



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 130 (8620)

9 июль, 1985 йил

СЕШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида 1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда енгил саноат ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Шу масалани муҳокама қилиш чоғида мазкур тармоқлар учун энг янги машина—ускуналар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларнинг техника билан қайта қуrollанишини таъминлаш ҳамда мана шу асосда саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, шунингдек аҳолига маиший хизмат системасини ҳам янгида ривожлантириш борасида партия ўртага қўйган вазифаларни бажариш мақсадида машинасозлик корхоналарининг қувватларини кў-

пайтиришга оид тадбирлар комплексини амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Ўш оилалар учун уй-жой шартлоларини яхшилаш мақсадида ёшлар уй-жой комплексларини қуриш тўғрисидаги тақлифлар кўриб чиқилиб, маъқулланди. Уй-жой билонларини ва маданий-маиший объектларини ўз ичига олган шундай комплекслар ёшларнинг бевосита меҳнатдаги иштироки билан барпо этилади. Ёшларнинг уй-жой қурилиш кооперативларини ташкил этишга оид тадбирлар ҳам белгиланди. Бундай кооперативларнинг аъзолари учун ҳукумат банк кредитини тўлаш ҳамда кооператив уй-жой қурилишга процентсиз қарз олишнинг имтиёзли шартларини белгиланди.

Сиёсий бюро соғлиқни сақлашни яхшилашга қаратилган биринчи навбатдаги тадбирлар қаторида медицина

хотимлари айрим категорияларнинг маънаб оқлавлари таъминлаш ҳамда шунингдек операция, анестезиология, реанимация ҳамда интенсив терапия бўлимларидаги ўрта ва кичик медицина хотимларининг оқлавлари шундай қўшимча ҳақ белгиланди.

Ўртоқ М. С. Горбачев бошчилигидаги Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси билан Ле Зуан бошчилигидаги Вьетнам Социалистик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси ўртасидаги музокара-ларнинг якулини кўриб чиқилиб, маъқулланди. Мухокама этилган масалалар юзасидан, шу жумладан Осиё—Тинч океан регионда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ма-

салалари юзасидан қарашларнинг тўла бирлиги таъминлаш билан қайд этиб ўтилди. Иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигининг узок муддатли программасини амалга ошириш, марксизм-ленинизм ҳамда социалистик интернационализмнинг мустаҳкам пойдеворда, мамлакатларнинг ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида ҳар томонлама Совет—Вьетнам алоқаларини ривожлантириш соҳасида эришилган аҳднома-лар муҳим аҳамиятга эгадир. Сиёсий бюро Ўзавро Иқтисодий Ердан Кенгашининг Варшавада бўлиб ўтган 40-сессияси якулини кўриб чиқиб, ўртоқ Н. А. Тихонов бошчилигидаги совет делегацияси бажарган ишни маъқуллади. Сессияда имзоланган қўшма ҳужжатлар қардош мамлакатларнинг экономикасини интенсив ривожлантириш йўлига ўтказишни жа-

даллаштириш ҳисобига унинг самардорлигини оширишга, етказиб берилаётган машиналар, ускуналар ҳамда бошқа буюмларнинг юксак сифатини таъминлашга, ишлаб чиқариш структураси ва техникавий даражасини янада такомиллаштиришга қаратилган. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси сессия қарорларини турмушга қўйиш, социализм қардош мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорлигини чуқурлаштириш соҳасида марказий экономика органларининг, министрликлар, идоралар ва ташкилотларнинг вазифаларини белгилади.

Сиёсий бюро Коммунистик партия ва Совет давлатининг ташкил сиёсий йўлини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа баъзи масалаларни ҳам кўриб чиқди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Озиқ-овқат учун юқори сифатли бугдой етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтиришдан колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларининг моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда 1985 йил ҳосилдан бошлаб колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларининг давлатга сотадиган қаттиқ бугдойнинг ҳар тоннаси (бази кондичиялари) учун 150 сўм миқдорида ягона харид нархини белгилаш, шунингдек белгиланган харид нархига қўшимча 1 класс қаттиқ бугдой учун 100 процент, 2 класс қаттиқ бугдой учун 20 процент миқдорида устама ҳақ тўлашни қўзда тутилган.

1985 йилда ўндинчи беш йилдаги эришилган ўртача даражага қўшимча, умуман дон юзасидан шу даража оширилганлигидан ўртача назар, давлатга қаттиқ бугдойнинг сотилиши учун колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларига харид нархининг 50 процен-

тан колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларини тегишли корхона, ташкилот бўйича умуман бугдой сотиш (харид қилиш) юзасидан белгиланган планлар бажаришга таъқирлар уларни ана шу берилаётган моддий рағбатлантириш марказлаштирилган фонди маълумоти ҳисобидан мансаб оқлавларининг 2 ойлигига миқдорда мукофотлаш тавсия этилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети партия, совет, қишлоқ хўжалик ҳамда тайёрлов органлари, ағросаноат бirlашмаларининг, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларининг раҳбарлари ва мутахассислари, колхозчилар, совхозчилар ва галла қабул қилувчи корхоналарнинг ишчилари озиқ-овқат учун юқори сифатли бугдой етиштиришнинг янада кўпайтириш, уни давлатга сотиш планларини тўла ошириб бажаришни учун барча зарур ишларни қилдирилди, деб ишонч билдирилди.

ЛЕНИН МАКТАБИНИНГ РЕВОЛЮЦИОНЕРИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари ўзбек халқининг шонли фарзанди, таниқли совет давлат арбоби Ўлжас Охунбоев тутилган куннинг 100 йиллигини тантанали нишонламоқдалар. Ишчилар, колхозчилар, халқ эиляларининг вакиллари республика биринчи президентиинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи янги экспозициялар билан танишмоқдалар. Юбилейга бағишланган кечалар, дияларда қатнашмоқдалар. Шу кунларда оташин ленинчи революционернинг хайкаллари пойида гуллар айниқса кўп. Тошкентдаги Коммунарлар хйбониди И. Охунбоев

ов қабрига гул тўла саватлаб қўйилган.

6 июлда Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрида Ўлжас Охунбоев тутилган куннинг 100 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Партия, уруш ва меҳнат ветеранлари — И. Охунбоевнинг шахсан билган кишилар, ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторлари, таниқли фан ва маданият арбоблари, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари, Совет Армиясининг жангчилари залга йиғилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Ус-

монхўжаев кириш нутқи сўзлаб, йиғилишни очди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов ўз докладыда И. Охунбоев ҳаёти ва фаолияти, унинг партия ва давлат олдига катта хизматлари тўғрисида гапирди. Йиғилишда И. Охунбоевнинг номи Туркистонда Совет ҳокимиятининг галабаси ва уни мустаҳкамлаш учун, Ўзбекистонда социализм галабаси учун олиб борилган қурувчи тарих билан намбарчас боғлиқ қилиниш кайд этиб ўтилди. У Ленин маънаби революционерларининг аjoyиб аълодига мансуб эди. Унинг бутун ҳаёти одамлар- (Давоми 2-бетда).



ЕТТИ МАРТА ЎРИЛАДИ

БЕКОВОД райониди Держинский номи колхозини 3-участкисиди Маъмур Саломов бошлиқ ем-хашак бригадаси деҳқонлари қишлоқ учун мўл-кўл ем-хашак жамғариш йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар. Улар бу йил ҳар гектар ердан 190 центнердан беда пичани, 43 центнердан макка дони ва 320 центнердан силос учун кўк поя олишни мўлжалламоқдалар. Шу мақсадда 151 гектар ерда экилган маккажўхори парвартишини қатъий агротехника қоидалари асосида олиб бормоқдалар.

Бригадада сугориш ишларини намунали йўлга қўйиш ва минерал ўғитлардан тежаб-тергаб, унумли фойдаланиш ўз самарасини кўрсатмоқда. Шу кунларда бедазорларда учинчи ўрим няхосига етказилмоқда, маккажўхори нйҳоллари эса баравж ўсмоқда.

—Биз, айниқса, беда ўримиини ўз вақтида ўтказишга катта аҳамият беряпмиз — дейди бригада бошлиғи М. Саломов. — Чунки беда ўз муддатига ўриб олинмаса, гулал кетиши, поясн котиб, бағрларини тўниб юбориши, оқибат натижада ҳосилдорликка путур етиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун эса техника кучидан самарали фойдаланиш, ўриб олинган ҳосилни пешма-пеш ғарамлашни йўлга қўйиш керак. Биз бунга қатъий азал

қилаёلمиз. Ҳозиргача эски бедазорларнинг гектаридан 102 центнердан ҳосил олиб, минг тоннадан ортиқ пичан ҳозирлаб қўйилди. Шу билан бир қаторда ҳар кун чорвачилик фермасига кўлаб миқдорда кўн масса етказиб беряпмиз.

Озуқа экинлари ҳосилдорлигини оширишда оилавий зеноларнинг қўшаётган ҳиссалари катта бўлмоқда. Бу борада, айниқса, кекса сувчи, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Миржусиф Миржусифов индиси эришяётган натижалар кишини қувонтиради. Тажрибали деҳқон беш йилдан буён ўгли Мирролим билан ҳамкорликда нудрат усулида иш юритиб, зиммасидида план ва мажбуриятларини ортиғи билан бажариб келяпти. Жумладан, бу йил ҳам 33 гектар майдондаги бедазорда меҳнат қиляётган ота-бола пешқадамлиқни қўлдан беришма-

ётир. Улар беданинг учинчи ўримиини районда биринчилардан бўлиб няхосига етказишди. Дастлабки якунга кўра уч ўрим давомида ҳар гектар ердан ўртача 125 центнердан беда пичани йиғиштириб олинди. Чорва қишлови учун 412 тонна тўйимли озуқа тайёрланди. Бедани ўз вақтида ўриб-йиғиб олишда илгор меҳанизатор Шоди Ғафоров оилавий зено аъзоларига яқиндан ёрдам берди.

Звено аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача бедани яна тўрт марта ўриб олишга, гектарлар самардорлигини 220 центнерга етказишга аҳд қилдилар. Шу кунларда беда парвартиш ана шу мақсадга яраша олиб борилмоқда.

А. ҲАЙДАРОВ.

◆ СУРАТЛАРДА: (юқорида) меҳанизатор Шоди Ғафоров; (пастда) бедазорда ўрим-йиғим пайти.

А. Зуфаров фотолари.



МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ТЕНГЛАШАЙЛИК

Машинасозлар ва химиклар, кончилар ва металлурлар, қурувчилар ва темірйўзчилар, тикувчилар ва поабазаличилар — Тошкент ва пойтахт области меҳнат коллективларининг фахри бўлиш ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторлари 6 июль кунин Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари выставкисининг меҳмони бўлдилар. Улар сьезд олди II—IV зарбдор ўн кунликлари республика мусобақасининг ғолибларини шарафлашга бағишланган митингга йиғилдилар. Митингда республика партия, ҳасбаба союз ва комсомол ташкилот-

ларининг вакиллари, турли министрликлар ва идораларга қарашли бир қанча корхоналарнинг раҳбарлари ҳам қатнашдилар.

Митингни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. П. Анисичев очди. Ўзбекистон қасбаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудов ва йиғилиш аҳли ҳузуридида сўзга чиқди.

Митингда республика меҳнатчилари КПСС XXVII съездининг ишлаб чиқаришга юксак муваффақиятлар билан кутиб олишга тайёр эканликлари тўғрисида, кор-

хоналарда меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга ва унинг таннархини арзонлаштиришга қаратилган қўлгина реэервалар ишга туширилаётганлиги, бу эса шу йилги ва умуман беш йиллик топишириклари муваффақият-ли бажарилишини ишончли негиз бўлиши ҳақида гапирди.

Республикадаги 18 донсдор ичтининг «КПСС XXVII съездида» 27 зарбдор ўн кунлик» пиори остида меҳнат вахтасини ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-

ммунистик партия ва Совет давлатининг ташкил сиёсий йўлини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа баъзи масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўртақ М. С. Горбачев бошчилигидаги Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси билан Ле Зуан бошчилигидаги Вьетнам Социалистик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси ўртасидаги музокара-ларнинг якулини кўриб чиқилиб, маъқулланди. Мухокама этилган масалалар юзасидан, шу жумладан Осиё—Тинч океан регионда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ма-

Совети, Ўзбекистон қасбаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитетининг йиғилиш, шунингдек Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари выставкисининг дипломлари топирилди.

1985 йил июнь ойи якулидаги кўр республика сьездиди музоабасининг ғолиблари эииб қўйилган Хўрмат тахтасини тантанали суратда очиш даросини бўлди. Хўрмат тахтасини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев, Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов очдилар. (ЎзТАГ).

Бўстонлиқ район партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалани кўрди.

Ю. А. Хайдуков Калинин район партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан пленум уни Бўстонлиқ район партия комитетининг биринчи секретари ва мул эртаги ҳосил тўплаш юзасидан тавсиялари тасдиқланди.

Кенгашда область пахтакорлар Советининг июль-август ойларида гўзага ишлов беришни кучайтириш ва мул эртаги ҳосил тўплаш юзасидан тавсиялари тасдиқланди.

Илгари халқ депутатлари Бўстонлиқ район Совети ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлаган А. А. Айдарқулов Бўстонлиқ район партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Пленум ишда Тошкент области партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбек тилида» нарийети ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетинида фан-техника тараққиётининг жадаллаштириш масалаларига бағишлаб 1985 йил 11 июнда ўтказилган кенгашда «Партия иқтисодий

сиёсатининг туб масаласи» мавзусидаги докладни Ўзбек тилида алоҳида китобча қилиб чиқарди.

Китобча кўп нусхада нашр этилди. (ЎзТАГ)

ниво дуқонлари ва овари-
нинг кўпчилиги жуда бетар-
тиб, савдо маданияти паст,
бесаранжом, тозалikka ри-
қилинмайди, маст-аластар
кўп, жамоат тартиби кўпол-
равида бузулади. Уларни
нинг иши юзасидан қатъий
назорат йўқ. Кўпгина пиво-
хоналар нобов ва нотўғри
joyлаштирилган.

Тошкент шаҳар савдо Бир-
бошқармаси ана шу фикр-
мулоҳазалар, кўтарилган
муаммоларни тўғри ҳал қи-
лишга жиддий ёндашди деб
ўйлаймиз.

СУЗ — ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ҚАЛБЛАРИМИЗ ПАЙВАСТА

Нигмат АҚРОМОВ.
Чирчиқ шаҳар комсомол
комитетининг биринчи
секретари



— Жаҳон ёшларининг интернационал дўстлиги, бирдмалик ва тинчлик байрагини 22 минг нафардан иборат комсомолларимиз муносиб ютуқлар билан қутиб олмақдалар. Биз фестивалга тайёргарлигини ўтган йилдаёқ бошлаб юборган эдик. Бу анжуман муносабати билан корхоналар ва ташкилотларда, муассасаларда ҳамда ўқув юртиларида турли кўриқлар, концертлар, урғушувлар ўтказилди. Ёр юзидан тинчликнинг мустақамлашга даяват этувчи сийсий плакатлар кўриги, асфальтдаги расмлар конкурсига, «Слав» стадионда кўрсатилган театрлаштирилган томошалар, ҳар хил спорт мусобақалари шулар жумласидандир.

Биз йил биз трансформатор заводи, медицина билим юрти, шаҳар пионерлар уйи ҳузурда фестивал клубларини ташкил эдик. Бу муассасаларда бадний ҳаваскорлик коллективлари, агитбригадаларнинг умумжаҳон ёшлари анжуманига аталган концертлари, турли кўрсатувлари, адабий композициялари намойиш этилмоқда.

Раёно ҒАНИЕВА,
Гулчехра БОЖОҚОНОВА,

Тошкент политехника институтининг студентлари, Ленин стипендиатлари

— Халқаро ёшлар йилида ўтказилган анжумани фестивалга биз бахтиёр талабалар учун катта қувонч ва ҳушсуварлик бўлди. Бу таътилларда институтимиз вакиллари ҳам иштирок этишди. Шу муносабат билан биз студентлар, планета ёшларининг катта анжуманини тайёрлаш ва уни муваффақиятли ўтказиш ишига ўз улуши-мизни қўшдик. Институтдаги 300 дан ортиқ гуруҳлар орасида фестивал шарафига «Ўқиниш ҳам, ишда ҳам аъло натижа бўлсин» шiori остида социалистик мусоба-

қалар уюштирилди. Бадний ҳаваскорлик коллективлари эса 60 дан зиёд концерт номерларини аниқ шайбага бағишладилар. Бу кўшиқ ва куйларда, рақсларда Ватанини унутмас, Владимир Ильич Ленинни маҳд этиш, халқимиз немиш-фашизмни устидан қозонган буюк Ғалабанинг 40 йиллигини шарафлаш, тинчлик шiorини янада баланд кўтариш мавзуси кенг ўрин олди.

Институтимизнинг кўп-минг кишилик коллективини фестивал шарафига уюштирилган шайбалиқдан тушган 8 минг сўмдан кўпроқ маблағини фестивал фондига ўтказди. Зарбдор кўриқларга олган студент қувончлари оғирларини ҳам ўз меҳнатини ёшлар байрамга бағишладилар.

Хулоса қилиб айтганда, биз жаҳон ёшлари анжуманида ҳар ишда ёруз юз ва аниқ мақсад билан боралимиз. Фестивални сермизм, жўшқин ва уюшқонлик билан ўтказишга ҳисса қўшиш асосий мақсадимиз. Фестивалнинг ҳар бир иштирокчисига зўр қувонч ва илҳом асосида бўлиши керак. Бу анжуман жаҳон ёшларининг интернационал дўстлигини янада мустаҳкамлайди.

Янғирайди кўнглим, янғирайди кўнглим, Беғубор ёшларнинг тазонаси бу. Фестивал бош уюри соҳар турфа гул. Ҳазиқорлик, дўстлиқнинг шалоласи бу. Москва шарафлар жаҳон ёшларини Қалбларини қалбларга этиб пайваста. Байрамга қорлайди ўз сафдошларини. Фусункор фестивал нурлини аста.

Сухбатни ёзиб олувчи
С. ҲАСАНОВ.

Бадний ҳаваскорлик коллективлари ҳаётидан



ОҲАНГАРОН районидagi «Ғалабуқуд» совхозиди ишчиларнинг уюмлик меҳнатдан сўнг кўнглини дам олишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига катта аҳамият берилмоқда. Совхозда актив фаолият кўрсатаётган вокал-чолге ансамблида турли касб ва ёшдаги халқ талантлари иштирок этишди. Электроник Бахтиёр Абдуқаюмов бадний

раҳбарлик қилаётган бу ижодий коллектив репертуарини тинчлик, дўстлик, меҳнат ва муҳаббатни улғулоччи, шунингдек, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги куй ва кўнглилар ташкил қилди. Ансамбль қатнашчилари тез-тез совхоз ишчилари ҳузурда бўлиб, ўз санъатларини намойиш қилиб турадилар.

— Санъатини тушуниш ва

уни севиш — катта бахт, дейди ансамбль солисти, совхоз болалар бoғчасининг ходими Иноат Абдуқаюмова. — Мен кишилар ҳузурда кўшиқ айтганимда беҳад севиноб кетаман. Куйлаётган кўшиқларим уларда эзу ҳис-туғилар уйғотса, дейман...

СҲРАТДА: ансамбль ҳаваскорлари репетиция пайтида.

А. Мальцев фотоси.

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

Областимиз шаҳар ва қишлоқларида Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан турли урғушувлар, шеърят кечалари ўтказиш давом этмоқда. Яқинда «Госкомсельхозтехника» Урта Чирчиқ район бirlашмаси клубида ана шундай таътиллалардан бири бўлиб ўтди. Шеърят ва кўшиқ кеча-

си қатнашчилари шоир Барот Исроил ва тўйганалик ёш қаламкаш Ҳамид Норқулловларнинг ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги асарларини мароқ билан тингладилар. А. Навоий номида Ўзбекистон ССР давлат академик опера ва балет Катта театри солисти Марям Тагирбековна, М. Қориев номида ўзбек

давлат филармонияси «Лазги» ашула ва рақс ансамбли қонақдаси Қўзбой Отажонов, Урта Чирчиқ район маданият уйи ансамбли қатнашчиси Носиржон Қамбаралиевлар ўз кўнглилари билан кечага фойз киритдилар. Шеърят ва кўшиқ кечаси иштирокчиларнинг тақдирига кўра шу кунги томошадан тушган 300 сўм маблағ тинчлик фондига ўтказилди.

Д. ҚОДИРОВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ИЮЛЬ ОИИДА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ШАҲАР ВА
РАЙОНЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА
ЯНГИ БАДИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ

«ИНГЛИЗ БОҒИДАГИ КАНКАН»

Фильм Ростислав САМБУКнинг «АЧЧИҚ ТУТУН» романи асосида яратилган.
Сценарий муаллифи — Валерий ПИДПАЛИЙ, Ростислав САМБУК.
Режиссёр — Валерий ПИДПАЛИЙ.
Ролларда: Т. СПИВАК, М. ТОНТЕГОДЕ, Э. МАРЦЕВИЧ, Р. ЯНОВСКИЙ, Г. СТРИЖЕНОВ, В. НИКУЛИН ва бошқалар.

Бу ўттир сюжетли картина ёлгон-ишқ эшиттиришлари билан ном қозонган чет эл радиостанцияси фаолиятини фойдаланиш, унинг малайлари — миллатчи-муҳожирлар ўз ҳўжайинларининг хоҳиши билан қандай жирканч ишларга қўл уратганликлариини кўрсатишни мақсад қилиб қўйган. Миллатчи-муҳожирлар қандай қилиб ҳаётлариди дахшати нараса Ватанини сотишгача бориб етганликлари фильмда ўз аксини топади.

ДОВЖЕНКО НОМИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

«ҚАРСАКЛАР, ҚАРСАКЛАР...»

Сценарий муаллифи — Виктор МЕРЕЖКО.
Режиссёр — Виктор БУТУРЛИН.
Ролларда: Людмила ГУРЧЕНКО, Олег ТАБАКОВ, Александр ШИРВИНД, Ольга ВОЛКОВА ва бошқалар.
Фильм актрисанинг ҳаёт ва санъатда ўз ўрнини топишдаги изланишлари ҳақида ҳикоя қилади.

«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

ХУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

РЕСПУБЛИКА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

9 июлдан
ДИКТОРЛАР КОНКУРСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
КОНКУРСГА 25 ЁШДАН КАТТА БЎЛМАГАН,
ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ, ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИНИ
МУКАММАЛ БИЛАДИГАН, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
ДОИМИ ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН УРТОҚЛАР ТАҚ-
ЛИФ ҚИЛИНАДИ.
Конкурс шартларига доир саволлар билан қуйидаги
адресга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Навоий кўча-
си, 69-уй. Программалар дирекцияси. Телефон 41-92-01.

ЕШЛАР—ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ

ВАРШАВА. Польшанинг Эговец шаҳрида ПХР ва ГДР ёшларининг дўстлиги митинги бўлиб ўтди. Бу митинг Польша билан ГДР ўртасидаги чегарани белгилаш ҳақида шартнома имзолашнинг 35 йиллигига бағишланди.

Митингда ПХР Давлат Кенгаши Раиси В. Яблонский ва ГДР халқ палатаси президенти Х. Зиндерман нутқ сўзладилар. Иккала мамлакат ўртасидаги яхши қўшиқчилик муносабатларини ривожлантиришда, социалистик ҳамдўстлик жипслигини, Европада ва бутун дунёда тинчлик ва ҳафсиз-ликни мустаҳкамлашда шартноманинг муҳим аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Митинг қатнашчилари декларация қабул қилдилар, унда Совет Иттифоқи, бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари тинчликсевар ташки сийсатини тўла қўллаб қувватлаш ҳамда ядро уруши хавфини бартараф этиш учун бутун куч-гайратларини сарфлашга шайлиқ изҳор қилинади.

Биз АҚШ ва НАТО бошқа мамлакатларининг агрессия сийсатига, улар бошлаган зўр бериб қуролланиш лойиҳасига қарши қатъий норозилик билдиришда, дейилади декларацияда.

(ТАСС).

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ИМПЕРИАЛИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА БИРЛИК УЧУН

СОФИЯ. Болгария билан Ливия араблар дунёсида барча ватанпарвар ва антиимпериалистик кучларнинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан бирлиги — уларнинг империализм ва сионизм агрессия сийсатига қарши курашларида муваффақиятнинг гарови деб ҳисоблайдилар. Ливия олий халқ комитетининг ташки-

аюқлар халқ бюроси секретари А. А. Салом Трейкиннинг БХРга визити якуни ҳақида эълон қилинган ахборотда ана шундай дейилади.

А. А. Салом Трейки БНП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат кенгаши Раиси Т. Живков, БХР Министрлар Советининг Раиси Г. Филипов томонидан қабул қилинди. Томоилар Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ядро уруши хавфини тугатишга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларига юқори баҳо бердилар. Улар империализмга, янги мустамалакчиликка, сионизм ва ирқчиликка қарши курашда барча тараққиётпарвар кучларнинг бирлиги ва жипслигини ёқлаб чиқдилар.

ТЕРРОР ВА ЖАЗО ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

ДАМАШҚ. Нордан дарёсининг гарбий соҳилида вақит кескинлигига қолмоқда. Исроил босқинчилари араб аҳолисининг тобора кучайиб бораётган қаршичилигини бостиришга уриниб, террор ва жазо чораларини кучайтирмоқдалар, оммавий тинтувлар ва қамоққа олишларини давом эттирмоқдалар. Ҳарбий трибуналлар ҳар кунини ўнлаб фаолиятлик ватанпарварларни турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилмоқда.

Байт-Лахмиди араб университетини яна қамал ҳолатига тушиб қолди. Университет ўқитувчилари шу ўқув юртида мунтазам билим олиш имкониятига эга бўлмаган араб йигит ва қизлари учун ташкил этган ёзиқ ўқув семестри бошлангани билан университет территориясига кириладиган ҳамма жойларда Исроил ҳарбий постлари пайдо бўлди. Солдатлар лекция тинглашга келадиганларни тинтув қилмоқдалар. Босқинчиларнинг талабларига бўйсунмасликка арзимаган ури-нишлар учун ҳам арабларни турмага ташламоқдалар. Ўқинишнинг дастлабки ҳафта-сида бир неча ўн киши қамоққа олинди. Сионистларнинг террори натижасида кўп ёшлар ўқишга бормай қўй-дилар.

Ал-Халида Исроилдан кўчиб келганлар ўтган тунда маҳаллий аҳолининг уйлари-га бостириб кириб, қурол-қўлғабил, бир неча ўнлаб араб оиласини қўчага ҳайдаб чиқарганлар. Юздан ортиқ қаластлиқлар бошпана-сиз ва озиқ-овқатсиз қолди.

(ТАСС, 8 июль).

НАВБАТДАГИ БОСҚИЧГА ЧИҚИЛАР

◆ Тошкентнинг «Пактакор» ва Жиззахнинг «Звезда» командалари СССР кубогининг 1/16 финал учрашувларига йўллама олдилар. Жиззахликлар ўз майдонларида Целинограднинг «Целиник» командасини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида енгилар. Пактакорчилар эса Владивостокнинг «Луч» командаси аъзолари билан мушобакалашушлари керак эди. Меҳмонларнинг учрашувга етиб келмаганликлари сабабли тошкентликлар навбатдаги босқичга чиқидилар.

14 август кунин бўлиб ўтадиган тур кубок ўйинларида пактакорчилар «Торпедо» (М) билан баҳслашадилар.

ЕШ ФУТБОЛЧИЛАРИ ИЗЎТЮГҒИ

◆ Ўн кун давомида пойтахт стадионларида мастерлар командалари қошидаги ўсмирлар ва болалар олимпиада резервлари мактаблари ўртасида

ФУТБОЛ

ўтказилган СССР чемпионати-нинг ярим финал ўйинлари якунланди. Турнирда тўрт ўйиндан ўчтасида ғалаба қозониб биттасида дураник натижага эришган «Пактакор» командаси ғолиб келди. Улар рақиблар дарвозасига жамоасида санкиста тўп киритишди. Ғалабагача бўлган йўлда «Днеприни» 3:0, «Смена-ни» — 4:0, «МАСКНИ» 1:0 ҳисобида мағлуб этиб, Тбилисининг «Динамо» командаси билан дураник натижага эришдилар.

«Пактакор» командасини ўшбу турнирда тайёрлаган тренер Владимир Бондаренко ва «Пактакор» футбол мактабининг директори Биродар Абдураимовнинг футболчилар эришган ютуққа қўйган ҳисса-лари саноқли бўлди.

Пактакорчилар билан тенг очко тўплаган Тбилисининг «Динамо» командаси сентябрь ойида Москвада бўлиб ўтадиган финал учрашувларига йўллама олдилар.

Т. АЗЛАРОВ.

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ ЖИГАРНИ ШИКАСТЛОВЧИ ХАСТАЛИК

ЮҚУМЛИ гепатит яъни сариқ касаллиги оғир хасталик бўлиб, асосан жигарга зарар етказида, унинг фаолиятини бўзиб, беморлар дармонсиз қилиб қўйди. Гепатит билан болалар ҳам, катталар ҳам оғрийдилар. Касаллиқни қўзғатувчи «А» вируси бўлиб, у ташқи муҳитда узок сақланади, иссиққа ва совуққа чидамли бўлади.

Бу касалликка дучор бўлган одамнинг эҳтиёсизлиги натижасида вирус атроф муҳитга тез тарқалиши мумкин. Теварак атрофга тушган вирус салқин жойларда, чўйинди уқимларида ҳаф-лаб сақланади. Сариқ касаллиги вирус билан зарарланган сув, овқат организмга оғиз орқали тушиб, жигар ҳужайраларини зарарлайди ва унда қўнади. 15-40 кун оралигида касаллик аломатлари намён бўла бошлайди. Бемор дармонсизлик, ишта-ҳанинг йўқолиши, кўнгил айнаш, нохушлиқ, уйқунинг бузилишидан нолийди. Тава-сининг ҳарорати 37, баъзан 38 градуcга кўтарилди. Ке-йинчалик беморнинг кўз оқи саргайди, аҳоли оғирла-шади ва сарғайиш бутун та-нага ёйилди, ўнг қўбрга остида сангич сезилиб тура-ди. Агар у теъда касалхона-га етказилмаса хасталик хушх — оқибатларга олиб ке-лиши мумкин.

Беморнинг коса, қўшиқ, пилдасидан, ўрин-қўраси-дан, кийимларидан фойдала-нилганда ҳам сариқ касал-лик вируси соғ одамларга юқади. Шунинг учун у ш-н

фохонага юборилган, ётган уйи, кийимлари, ўрин-қўра-си, идиш-товоллари дезин-фекция қилинади. Вирусининг «В» тури ҳам маъкум. Дарҳақиқат, бу кў-ринишда жигарнинг моддалар-га қарши қурашнинг қобили-яти пасаяди. Бунда вирус ор-ганизмга қафат бир йўл би-лан: яъни тоза қайнатилма-ган ширин, ширин нинаси орқали, эзилган, уқол қил-ingan ҳолларда ўтади.

Юқумли гепатит касалли-гидан оғирган бемор ўз соғ-лигини тиклаши учун қай-натма шўрва, мева, сабзавот, сўт маҳсулотлари ва қовун-тарвуз истеъмол қилиши мумкин. Бемор чай, минерал сув ҳамда мева ширатлари-дан кўпроқ ичishi керак. Егил ва гўштиги овқатлар, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш эса заифлаган жигарга эйён келтирди, ка-саллигини қайталашига са-баб бўлади.

Сариқ касаллигининг ол-дини олиш учун яқиндилар-ни ўз вақтида олдириш ва дезинфекциялаш, касаллик вирусини ташувчи напша-ларни қирпиш, боғча-мактаб-ларда болаларни медицина-курсиядан ўтказиш зарур.

У. ПУЛАТОВ.
Тошкент шаҳар соғ-лиқни сақлаш Бош бошқармасининг бош эпидемиолог, меди-цина фанлари канди-даты.

Редактор
Н. НАСИМОВ.



◆ САН-ФРАНЦИСКО. Бу ерда Вашингтон расмий до-қараларини ЖАР ирқчи ре-жими билан «конструктив-ҳамкорлик» ўтказиш сийса-тига қарши оммавий норози-лик намойиши бўлиб ўтди.

Унинг қатнашчилари АҚШ-нинг Жанубий Африка Рес-публикасига қўрсатаётган сийсий, ҳарбий, иқтисодий ва молиявий ёрдамни ўқтати-лишни талаб этидилар ҳамда Африка жабуидаги халқлар-нинг миллий-озодлик кура-

ши билан бирдам эканликла-рини изҳор қилдилар. Поли-ция намойишчиларга қарши қўпол қўқ ишлатди. Суратда: намойиш қатнашчиларини қамоққа олиш пайти.

ЮПИ — ТАСС телефотоси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда" /

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА
КОМУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕ-
ТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32

Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретари—334808, 325353; секретариат—325750. БҒЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноят, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ ҳўжайили—325647; пропаганда—325556; совет қурилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юртилари—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; ҳатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фўлье-тонлар—325556; фотомуҳбир—325894.

Р. — 05932. А 1739. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12